ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ
СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2014 йил 15 август, жума

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (12.721)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







## УЧТЕПА ТУМАНИ:
## ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР







***Истиқлолимизнинг ҳар бир йилида юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, мамлакатимиз эришаётган оламшумул ютуқлар, эзгулик ва шодумонлик, тараққиёт ва фаровонлик борасидаги муваффақиятлар зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик қутлуғ санаси Учтепа туманида ҳам ўзига хос ютуқлар билан кутиб олинмоқда.***

Қад ростлаётган муҳташам бинолар, кенг ва равон йўллар, замонавий спорт мажмуалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар кўрган кўзларни қувонтираётир. Ёшларнинг таълим-тарбияси, саломатлиги, жисмонан етуклиги йўлида корхона, ташкилот, муассасалар ҳамкорлигида режали ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда 53 та маҳалла бўлиб, шундан 17 таси кўп қаватли уйлардан ташкил топган. 33 та умумтаълим мактаблари, 50 та мактабгача таълим муассасаси, 11 та олий ва ўрта таълим масканни, 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси, 3 та мусиқа ва санъат мактаблари, битта Баркамол авлод маркази, бешта шифохона, олтита оилавий поликлиника фаолият юритмоқда. 3 та стадион, 3 та спорт комплекси, 58 та спорт зали, 5 та спорт клуби, 183 та спорт майдончалари халқ манфаатлари йўлида 251 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида туманда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилиб, қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари натижалари бўйича туманнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, саноат маҳсулотлари бўйича ўсиш суръати 10,7 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 14,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 13,3 фоизга, асосий капиталга инвестициялар киритиш режаси эса 1,1 млрд. сўмга ёки ўсиш суръати 43,3, пуллик хизмат кўрсатиш эса 14,6 фоизни ташкил этди.

Туманнинг салоҳиятини янада ошириш, саноат ва бошқа тармоқларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш бўйича ўрганишлар амалга оширилди. Натижада 292 та корхонада 2014 йилда амалга ошириладиган янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди, уларнинг амалга оширилиши натижасида 1721 та янги иш ўринлари очилди.

Амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини чораклар кесимида кўрадиган бўлсак, жорий йилнинг биринчи чорагида 18 та лойиҳа ишга туширилиб 76 та, иккинчи чоракда 90 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 517 та, учинчи чоракда эса, 73 лойиҳа ишга туширилиб 396 та иш жойлари ташкил этилмоқда. Тўртинчи чоракда эса 111 та янги лойиҳанинг ишга туширилиши ва 732 та иш жойлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

Бунда «БМК травел транс» масъулияти чекланган жамияти, «Грин лайн профил» қўшма корхонаси, «Ниҳол арт текстил», «Нафис мебель», «Элит глобал пласт» корхоналари жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, учтепаликлар Истиқлолимизнинг муборак йигирма уч йиллик тўйини ҳар соҳада муносиб ютуқлар билан кутиб олишга тараддуд кўрмоқда. Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг фаровонлигини янада оширишга қаратилгандир.

*(Учтепа туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)*

**Ҳашар — элга ярашар**

## ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

### 16-17 август кунлари пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

**Азиз ҳамшаҳарлар!** Халқимизда «Обод юртга байрамлар ярашади», деган ажойиб ҳикмат бор. Гўзал ва бетакрор Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида ҳар биримиз жонажон шаҳримизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Маҳалла-кўй, кекса-ю ёш ҳамжиҳат бўлиб маҳаллаларимиз, мавзеларимизни, кўп қаватли уйлар ва ҳовлиларимиз атрофларини, кўчалар, болалар майдончаларини обод қилайлик, кириш йўлакларини озода қилиб барака йўлини очайлик, дарахт ва буталарга шакл бериб, уларни оқлайлик, қуриган дарахт ва шохларни бартараф этайлик, ариқ, томорқа ва йўлаклар ҳамда ер юзасини қуриган ўтлардан тозалайлик, ҳовлимиз ҳусни ва кўркини бузиб турган турли чиқиндилардан халос этайлик, фарзандларимиз ва набираларимиз учун «Болалар майдончалари»ни тозалаб, уларни таъмирлашга ҳисса қўшайлик, автотураргоҳ ва гаражлар атрофини тартибга келтирайлик.

Бу савобли ва хайрли ишларда ҳар биримиз фаол иштирок этиб, намуна кўрсатайлик.

**Барча ҳамшаҳарларимизни ушбу эзгу ишда ҳамжиҳат бўлишга чақирамиз!**

## СУНЬ ЛИЦЗЕ:
## «ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ»

***Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг икки давлат раҳбарларининг алоҳида эътибори ва ташаббуслари самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Барча соҳаларда изчил давом этаётган алоқалар барқарорлик ва тараққиётга эришиш йўлида мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.***

**Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе билан суҳбатлашди.**

– Хитой Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорликни юксак баҳолайди, – деди элчи Сунь Лицзе. – Тарихан қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқи доно ва узоқни кўра биладиган раҳбар, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Мамлакатингиз жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан муносабатларни муваффақиятли ривожлантираётгани ва минтақада хавфсизликнинг ишончли кафолати экани халқаро даражада эътироф этилган, унинг сиёсий ва иқтисодий салоҳияти муносиб баҳоланмоқда. Давлат суверенитети ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, давлат қурилиши, миллий ўзликни англаш даражасини юксалтириш, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил ўтиш, мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратиш борасида эришилган юксак самаралар Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва мамлакатингиз шартларига тўлиқ жавоб берадиган ривожланишнинг «ўзбек модели» нечоғли тўғри ҳамда пухта ўйланганидан далолат беради. Халқ турмуш даражасини ошириш, аҳолининг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг мақсади ва моҳияти барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг асосий омилига айланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланиб бораётгани танланган моделнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Бу иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий янгилаш, экспортнинг диверсификация қилинаётгани, хорижий инвестициялар ҳажми тобора ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Ушбу ютуқлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам таҳсинга лойиқдир. Иқтисодиётда ўз вақтида изчил чоралар қабул қилган Ўзбекистон глобал инқироз таъсиридан зарар кўрмади. Айнан мана шу омил давлатингиз раҳбари моҳир иқтисодчи ва буюк етакчи эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистонда ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг катта қисми ўқув муассасаларини барпо этиш, таълим шароитларини яхшилаш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида таълим соҳасига йўналтирилаётгани эътиборга лойиқдир. Бу, ўз навбатида, таълим сифатини юксалтириш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тарихан қисқа вақт ичида мамлакатингизда эришилган оламшумул ютуқлар билан фахрланса арзийди.

**– Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг икки томонлама муносабатларни замон талаблари асосида ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Ўзбекистон билан Хитой ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида нима дея оласиз?**

– Хитой ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар икки минг йил аввал, Буюк Ипак йўли davридаёқ ривожланган. 1992 йили Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон билан дипломатик муносабатларни ўрнатди. Ўтган 22 йил давомида мамлакатларимиз раҳбарларининг бевосита мунтазам алоқалари, халқларимизнинг ўзаро манфаатли саъй-ҳаракатлари натижасида Хитой — Ўзбекистон муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаш борасида ижобий тенденция сақланмоқда.

Айни пайтда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳалардаги муносабатлар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўплаб икки томонлама муҳим ҳужжатлар асосида жадал ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитида иштирок этгани ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашгани икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш Хитой дипломатиясининг устувор йўналишларидандир. Хитой ҳукумати Ўзбекистоннинг миллий ва минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ҳам, ўз навбатида, Хитой халқига ёрдам беришга ҳар доим тайёр. Томонлар анъанавий дўстликни қадрлайди, ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижонда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида республика Марказий банки, Андижон вилояти ҳокимлиги ва «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг инновацион ғоя ва лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш масаласига бағишланган тадбир ташкил этилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган саломатлик ҳафталиги Сирдарё вилоятида ҳам юқори савияда ўтказилмоқда. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтаётган мазкур тадбир доирасида Сирдарё вилоятининг Гулистон, Сирдарё ва Сардоба туманлари аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.**

**● «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКга қарашли Ховос бирлашган шифохонаси қошида янги диагностика маркази фойдаланишга топширилди. Илгари темир йўл тизимининг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги тармоқларида меҳнат қилган ишчи-хизматчилар айрим касалликлар бўйича тиббий текширувдан ўтиш учун пойтахтга боришига тўғри келган. Марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши бундай сарсонгарчиликнинг олдини олиш, вақт ва маблағ тежаш имконини беради.**

**● Наманган туманидаги «Навбаҳор намунаси» фермер хўжалигида ғўза уруғчилиги, иқлимбоп ва серҳосил пахта навларини етиштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**● Италиянинг Сицилия шаҳри шимолида жойлашган Стомболи оролидаги вулқон «уйғонди». Денгиз сатҳидан 650 метр баландликда жойлашган ушбу вулқондан лава отилиб чиқа бошлаган. Лаванинг маълум бир қисми денгизга оқиб тушган. Ҳозирда маҳаллий ҳокимият мавжуд ҳолатни инобатга олган ҳолда тегишли чораларни кўрмоқда. Хусусан, сайёҳларнинг ушбу оролга боришлари таъқиқланган.**

**● Хитойнинг Гуанчжоу шаҳридаги ҳайвонот боғида Юсяо лақабли панда айиғи учта айиқчани дунёга келтирди. Ушбу турдаги айиқларнинг жуда кам насл қолдириши боис бу мутахассислар томонидан жуда ғаройиб воқеа сифатида тавсифланмоқда.**

**● АҚШнинг Медиа ривожлантириш фонди ташаббуси билан Интернет ўрнини бемалол боса оладиган бепул тарздаги «Auternet» тармоғига асос солинди. Лойиҳага кўра мазкур фонд 2015 йили оғирлиги 1,33 килограмм атрофида бўлган кўплаб кичик сунъий йўлдошларни Ер шари орбитасига жойлаштиради ва аҳолининг каттагина қисми Wi-Fi технологияси орқали Интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлади. Энг муҳими, ушбу тармоқ DVB, Digital Radio Mondiale, UDP баённомалари талабига тўлиқ жавоб берган ҳолда ишлайди.**

# ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!









## УЧТЕПА ТУМАНИ: ИСТИҚБОЛЛИ ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР









2014 йил — Соғлом бола йили

## КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Соғлом бола йилида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тез ва сифатли даволаш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида давлатимиз томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.***

Учтепа туманида жойлашган шаҳар 3-сонли болалар клиник шифохонасининг фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. Ушбу шифохонада Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Сергели ва Яккасарой туманидаги янги туғилган чақалоқлардан бошлаб 18 ёшгача бўлган болажонларга тиббий хизмат кўрсатилади.

Шифохонада гўдак ёшидаги болалар, умумий педиатрия, аллергология, пульмонология, гематология, гастроэнтерология, асаб касалликлари, оналарни соғломлаштириш бўлимлари, қабулхона ва изоляцион диагностик бўлим, болаларни жонлантириш ва анестезиология, чала туғилган чақалоқлар патологияси бўлимлари фаолият юритади.

Шунингдек, физиотерапия, рентген, марказий стерилизация бўлимлари, дорихона, клиник ва бактериологик бўлимлар, лор ва стоматолог шифокори хоналари мавжуд.

Шифохонада 123 нафар малакали шифокорлар фарзандларимизга тиббий хизмат кўрсатади. Клиникада бир йилда 14771 минг нафар бемор болалар даволаниб, соғлиқларини мустаҳкамлаб чиқади.

Муассасада даволаш ишларига ўқув базаси сифатида Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Педиатрия институтларининг аллергология, офтальмология, реанимация кафедралари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг неантология, неврология кафедралари ходимлари консультатив ёрдам кўрсатиб келмоқда.

2013-2015 йилларга режалаштирилган инвестиция дастурлари орқали шифохона бўлимларида бирин-кетин реконструкция-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Қабул ва рентген бўлимлари, шифохонанинг »Б» ва «В» корпуслари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда муассасага замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янада самарали олиб бориш мақсадида электрокардиограф ВТЛ-08СД, ПОК-3 аппаратлари, микроскоп ҳамда коагулометр аппаратлари, иккита энг сўнгги русумдаги компьютер барча жиҳозлари билан харид қилинди.

— Президентимиз ташаббуслари билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши биз тиббиёт ходимларига, айниқса болалар шифокорлари зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди 3-сон болалар клиник шифохонаси бош шифокори Суҳбатулло Юнусов биз билан суҳбатда. — Шифохонамиз йилдан-йилга замон талаблари даражасидаги янги тиббий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Беморлар ва ходимларга барча шарт-шароитлар яратилган. Болажонларимизни соғломлаштириб, ўз ота-оналари бағрига, оила даврасига қайтариш барча тиббиёт ходимларининг ягона мақсадидир.

## СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

***Бозор иқтисодиётининг асосий талаби харидор эҳтиёж ва талабига мос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришдир. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда юртимизда фаолият юритаётган бизнес субъектлари ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида тинимсиз изланмоқда.***

Тумандаги «Тошкент сут» очиқ акциядорлик жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган 31 турдаги сут маҳсулотлари ўзининг мазали таъми, сифати ва харидоргирлиги билан мижозлар эътиборини қозонмоқда. Корхонада бугунги кунда 100 нафар ишчи-ходимлар фаолият юритмоқда.

— Айни пайтда маҳсулотларимизни ички бозорга тарқатмоқдамиз, дейди корхона директор ўринбосари Баҳриддин Абдуллаев биз билан суҳбатда. — Мақсадимиз келажакда маҳсулот турларини янада кўпайтириб, сифатини яхшилаб, чет мамлакатларга ҳам экспорт қилишдир.

Яхши ният ва интилиш нурли келажакка пойдевор бўлади. Умид қиламизки яқин келажакда «Тошкент сут» ОАЖ корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг хушхўрлиги ва сифати билан жаҳон бозорлари расталарида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

***Учтепа тумани 1977 йил ташкил топган бўлиб майдони 127, 9 гектар ҳудуддан иборат. Туманда 83615 та оила истиқомат қилади.***

2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Туманда жойлашган кўп қаватли уйларнинг 107 545 м² том қисми таъмирланди, 1049 та кириш йўлаклари, 77 та лифт жорий таъмирдан чиқарилди. 177 та кириш йўлакларига замонавий темир эшиклар ўрнатилиб, 23 та кўп қаватли уйларда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга иккита мактаб ва битта касб-ҳунар коллежида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2013-2014 йилларда тумандаги 74, 107, 229-мактаблар ўқувчилари «Билимлар беллашуви» танловининг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллаб, Республика босқичида ҳам фахрли ўринларга муносиб деб топилди.

«Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловида 116-мактабнинг она тили фани ўқитувчиси Доно Бекжонова шаҳар бўйича биринчи, Республика босқичида эса фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Туманда 4476 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритади, шуларни 3626 таси микрофирмалардан иборат.

Маҳаллалар ва таълим муассасаларида 28 та фан тўгараклари, 98 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, 48 минг 650 нафар ўқувчи-ёшлар, шулардан, 23 минг 500 нафар қизлар касб-ҳунар сирларидан сабоқ олиб, саломатликларини мустаҳкамламоқда.

## ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

***Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари яқинлашаётган айни кунларда ўқув муассасаларида янги ўқув йилига ҳозирлик кўрилмоқда.***

Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ҳам айни пайтда янги ўқув йили олдидан капитал таъмирлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қайта таъмирдан чиқаётган ўқув биносига ташрифимиз давомида қурувчилар билан биргаликда коллеж жамоасининг ҳам жонбозлик билан меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўқитувчилар ўз ўқув хоналарини таъмирлаш жараёнига ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Ўқув муассасамизда янги ўқув йили олдидан кенг қамровли таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда, — дейди Учтепа миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи диретори Ҳасан Йўлдошев. — Мақсадимиз ёшларни илмли, доно, изланувчан, зукко ва интилувчан қилиб камолга етказиш. Янги ўқув йилида ўзига хос шинам ва кўркам кўринишда ўқувчиларни бағрига чорлаётган ушбу илм масканни келажакда ёш авлод таълим-тарбиясида ва ҳунар эгаллашида салмоқли ҳисса қўшади.

Ўқув муассасасида заргарлик буюмлари уста-рассоми, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, миллий этнографик ва бадиий либослар дизайнери, бадиий гилам ва гобеленларни ишлаб чиқариш уста-рассоми, бухгалтерия ҳисоби, каштачилик бўйича уста, ёғоч ўймакорлик бўйича уста-рассом каби касб-ҳунар йўналишлари мавжуд. Ёшларга таълим бериш ва маълум касб-ҳунарга йўналтиришда 76 нафар педагог ходимлар фаолият олиб боради. Ўн тўққизта ишлаб чиқариш усталари ўқувчиларнинг ҳунар эгаллашларида жонбозлик кўрсатади. Ўқув муассасасининг компьютер ва лингафон хоналари, физика, кимё, биология лабораториялари жаҳон стандартларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозланган. Очиқ ва ёпиқ спорт заллари ҳам янгича қиёфа касб этмоқда.

**Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлаган**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

## СУНЬ ЛИЦЗЕ: «ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИДАН ФАХРЛАНСА АРЗИЙДИ»

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хитой ҳукумати ҳар йили Ўзбекистон ёшларининг мамлакатимиз олий ўқув юртларида бепул таълим олиши учун 200 га яқин ўрин ажратади. Ўзбекистонга ўқиш учун келаётган хитойлик ёшлар ҳам кўпаймоқда.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида катта имкониятларга эга. Томонлар «ўзаро манфаатдорлик ва умумий муваффақият» тамойилига амалга қилган ҳолда ишбилармон доиралари вакиллари ўртасидаги бевосита алоқаларни мунтазам кенгайтирмоқда. Ҳамкорликни ривожлантиришдан катта манфаатдорлик туфайли ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам жадал суръатлар билан ўсмоқда. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида 482 та қўшма корхона ташкил этилган, етмишдан зиёд компанияларимиз ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Айни пайтда инвестиция ҳамкорлиги кўлами ҳам мунтазам кенгаймоқда. Хитойлик кўплаб ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига қизиқиш билдирмоқда, мамлакатингизга инвестиция киритиш ва қўшма корхоналарни ташкил этишни режалаштирмоқда. Бугун Хитой Ўзбекистон бозоридаги энг йирик инвестор ва мамлакатингиз билан ташқи савдо муносабатларида иккинчи ўринда туради. Бу эса ҳар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг юксак сиёсий обрў-эътибори ва иқтисодий салоҳияти халқаро майдонда тан олинган. Мамлакатингиз минтақа тараққиёти ва фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Ёқилғи-энергетика комплексида ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё – ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши юксак даражадаги ишонч ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради.

Хитой компаниялари Ўзбекистондаги углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш жараёнида қатнашмоқда.

Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашдаги кўпқиррали алоқаларда алоҳида мавқега эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакатнинг маданият ва санъат вакиллари ўртасида ҳам самарали ва фаол муносабатлар йўлга қўйилган. Хитойлик мусиқачи ва хонандалар Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 2013 йили фестивалда Хитойдан катта делегация қатнашди. Сиань ва Самарқанд шаҳарлари, Шааньси провинцияси ва Самарқанд вилояти ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани, икки давлатнинг тўғридан-тўғри алоқалари изчил ривожланиб бораётгани бизни беҳад қувонтиради.

**– Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.**

– Болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик – миллат келажаги ҳақида ғамхўрликдир. Зотан, соғлом ва баркамол авлод давлат фаровонлигининг пойдевори ҳисобланади. Шу боис Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши таҳсинга лойиқ. Бу мамлакатингизда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий тасдиғидир.

Жамиятда маънавиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш халқингизнинг олижаноб фазилатларидан. Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган катта эътиборни юсак баҳолаймиз. Ушбу йўналишдаги кенг кўламли ишлар мамлакатингизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилаётгани кишини қувонтиради. Бу ислоҳотлар самарасида оналар ва болалар ўлими анча камайди, аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичи ошди.

Ўзбекистонда спорт баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатингизда спортни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича ноёб тизим яратилган. Барча шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт комплекслари барпо этилган.

**– Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати салоҳиятини қандай баҳолайсиз?**

– Инсон саломатлиги, унинг узоқ умр кўриши ва ҳаёт даражаси тўғри ва хавфсиз овқатланишга бевосита боғлиқ. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири. Шу маънода жорий йил июнь ойида Тошкентда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференция муҳим аҳамиятга эгадир. Конференция бутун дунёдан ташриф буюрган соҳа олимлари ва мутахассисларига озиқ-овқат заҳирасини шакллантириш масаласи юзасидан ўзаро фикр алмашиш, Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш имконини берди. Тадбир доирасида иштирокчилар мамлакатингиз боғдорчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар, уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва тўпланган тажриба билан танишди.

Давлатингиз раҳбари раҳнамолигида пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани самарасида Ўзбекистонда ҳар бир соҳа, шу жумладан, озиқ-овқат саноати жадал ривожланмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатингизда ҳаётга татбиқ этилган туб ислоҳотлар қишлоқ хўжалигини диверсификациялаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни экспорт қилиш имконини берди. Серқуёш Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ўзининг мазали таъми, табиийлиги ва хилма-хиллиги, юртингиз бозорлари азалдан тўкин-сочинлиги билан дунёга машҳурдир. Шу боис хорижлик мутахассислар мамлакатингизда мева етиштириш услублари билан қизиқмоқда. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналарининг изчил модернизация қилинаётгани, маҳсулот турлари кўпаяётгани ва сифати яхшиланаётгани мақтовга сазовор.

Хитойлик кўплаб олиму мутахассислар, тадбиркорлар ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон билан қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканини таъкидлашни истардим. Зеро, мамлакатингиз ушбу соҳада катта салоҳиятга эгадир.

**– Тинчлик ва осойишталик – фаровонлик асоси. Шундай эмасми?**

– Дарҳақиқат, ҳар қандай давлат тараққиёти жамиятдаги тинчлик, барқарорликка боғлиқ. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат юритмоқда, бошқа давлатлар билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилиш, тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этиш тарафдори. Ушбу тамойилларга қатъий риоя этилаётгани туфайли Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланмоқда. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳам юксак самара бермоқда. Мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик Ўзбекистон халқининг энг катта бойлигидир.

**– Суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида кечмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқига тилакларингиз.**

– Ўзбекистон халқи давлат мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, бу сана – катта байрам ва шу билан бирга, мамлакатингиз тараққиёт йўлининг муҳим босқичидир. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан самимий муборакбод этаман. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари изчил ўсишини, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқингиз барча соҳаларда улкан ютуқларга эришишини тилайман. Ўзбекистонга фаровонлик, куч-қудрат, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди**

**_Энг улуғ ва энг азиз қадрият – Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимизни қадрлаш, юртдошларимизни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этиш, комил шахсни тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ғоявий таъсирлардан ҳимоялаш бугун тобора долзарб аҳамият касб этмоқда._**

# САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР, МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш ва ривожлантириш, ёшларни зарарли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори маънавият тарғиботига доир ишларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг ҳаётий ва таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ Республика Маънавият тарғибот маркази ташкил этилиб, миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, қадимий илдизлари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш, аҳолининг кенг қатлами, аввало, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама кўрсатиб беришга йўналтирилган учрашувлар, маърифий тадбирлар ўтказиш марказнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида бу борадаги эзгу ишлар янада кенг маъно-мазмун касб этаётир.

Президентимизнинг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, самимий мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбирларда таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар, таълим фидойилари, театр ва кино ижодкорлари, истеъдодли ёшлардан иборат тарғибот гуруҳлари аҳоли, айниқса, навқирон авлодга истиқлолимиз, унинг бетимсол неъматлари, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадр-қимматини аниқ мисоллар билан, содда ва самимий тарзда етказмоқда.

– Маънавий-маърифий ишларимиз кўлами йилдан-йилга кенгайиб, янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда, – дейди ЎзА мухбирига Республика Маънавият тарғибот маркази маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудири Зиёда Ғаффорова. – Ҳар йили таниқли олимлар, адиб ва санъаткорлардан иборат гуруҳлар жойларда тарғибот ишларини олиб борган бўлса, бу йил уларнинг сафига уста-ҳунармандлар, рассомлар, кино ва театр актёрлари, иқтидорли талабалар қўшилди. Натижада тарғибот тадбирлари давомида аҳоли Ватанга меҳр-муҳаббат, истиқлол ва у орқали халқимиз эришган улкан муваффақиятлар ҳақида тушунчаларга эга бўлиш билан бирга, ушбу ғояларни ўзига сингдирган санъат асарларини томоша қилиб, завқ олаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» номли услубий қўлланма тайёрланиб, «Маънавият» нашриётида чоп этилди. Мазкур қўлланма ҳамда мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқ ва марралар, миллий қадриятларимизнинг тикланиши, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари акс эттирилган, мафкуравий таҳдидлар моҳиятини фош қилишга қаратилган ўттиздан ортиқ маъруза матни жойлаштирилган CD дисклар тарғибот гуруҳи аъзоларига тарқатилди.

Бугунги мураккаб давр ёшларнинг маънавий дунёсини тобора юксалтириш, онгу шуурида маънавий поклик туйғуларини қарор топтириш, бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот-тушунтириш ишларини доимий, тизимли, самарали ва таъсирчан, янги, илғор тарғибот усулларини қўллаган ҳолда, замон руҳига ҳамоҳанг равишда ташкил этишни талаб этмоқда.

Маънавият тарғиботига доир тадбирлар вилоят ва туман марказларидаги маданият ва истироҳат боғлари, дала шийпонлари, маҳалла гузарлари, Меҳрибонлик уйлари ҳамда сайилгоҳларда халқ тили ва дилига яқин усул ва шаклларда ташкил этилаётир. Уларда Ватан, истиқлол, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон каби улуғвор тушунчалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усул ва услублар орқали сингдирилмоқда.

– Фарғона вилоятидаги учрашувлар, айниқса, самарали бўлди, – дейди шоир Ғайрат Мажид. – Бағдод туманидаги маданият ва истироҳат боғида ўтган учрашув чоғида олд қаторда ўтирган болакай эътиборимни тортди. Унинг чақноқ кўзларидан нимадир демоқчи бўлаётганини сездим. Ёнимга чорлаб, ундан катта бўлса ким бўлмоқчилигини сўрадим. У лўнда-лўнда қилиб: «Спортчи бўламан, чемпион бўламан», – деди. Шундан сўнг у аввал футбол, энди сузиш билан шуғулланаётгани, кейинроқ қўл жанги, узунликка сакраш тўгаракларига бормоқчи эканини, катта бўлганида халқаро мусобақалардан олтин медаль олиб юртимизга қайтишини айтди. Фарзандларимизнинг, истиқлол болаларининг эзгу орзуларидан, юксак марраларга интилиб яшаётганини кўриб, қувончга тўлдим.

– Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Самарқанд вилоятига сафаримиз унутилмас воқеаларга бой бўлди. Тўрт кун давомида вилоятнинг Қўшработ, Каттақўрғон, Нуробод ва Пайариқ туманларида учрашувлар ўтказдик, – дейди шоир Ҳумоюн Акбаров. – Жорий йилнинг май ойида Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция таассуротлари, буюк аждодларимиз билан ғурурланиб яшаётган самарқандликлар билан мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ҳақида суҳбатлашдик. Ватан, муҳаббат мавзуидаги шеърлар ўқилди. Янги бунёд этилган иншоотлар билан танишдик. Пайариқ тумани марказидаги дам олиш маскани, янги бунёд этилган «Камолот» ёшлар маркази, маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуаси ўзаро уйғунлик касб этган.

Бугун инсон онги ва қалбини забт этишга қаратилган ғоявий хуружлар кучайган. Республика Маънавият тарғибот маркази мутахассислари учрашув ва давра суҳбатларида навқирон авлодни ғоявий хуружлар қандай ниқобда, қайси шаклда бўлмасин, уларнинг вайронкор моҳиятини тўғри англашга, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга чорламоқда.

Мухтасар айтганда, истиқлолимизнинг қутлуғ 23 йиллик байрами арафасида ўтаётган маънавий-маърифий тадбирлар халқимиз онги ва маънавиятини юксалтиришга, фаол фуқаролик позициясини, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеликка нисбатан оқилона ва тўғри муносабатни шакллантиришга хизмат қилмоқда, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга огоҳлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундамоқда. Зотан, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, ғоявий ва ахборот хуружларининг ғаразли мақсадини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш муқаддас Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун энг шарафли бурчдир.

**Дилшод КАРИМОВ**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**_Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқувчи долзарб вазифаларга бағишланган видеоконференция ўтказилди._**

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев, парламент қуйи палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Ёқубов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишлари белгилаб олингани мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ҳамда халқимиз турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Шу кунларда барча давлат ва жамоат ташкилотлари қатори ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган қарорига мувофиқ кенг кўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда истиқлолнинг нақадар буюк ва муқаддас неъмат экани, мустақиллик йилларида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқ ва марралар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти аҳолига аниқ мисоллар билан етказилмоқда.

**С.ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 9 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 август кунги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18 м.кв. бўлган 16-савдо дўкони. Бошланғич нархи – 52 756 200 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 13/2- қаторда жойлашган, умумий майдони 18 м.кв. бўлган 20-савдо дўкони. Бошланғич нархи – 52 756 200 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг биринчи қаватида жойлашган нотурар жой. Бошланғич нархи – 2 196 831 600 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси, 2-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган нотурар жой. Бошланғич нархи – 2 246 370 300 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. *Лицензия: № RR-0017.*

## *Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

Тошкент шаҳрининг туманларида 2014 йил 1 августдан 1 октябргача ташкил этиладиган марказий «Мактаб бозорлари»нинг манзиллари билан таништириб ўтамиз.

| | |
|---|---|
| Учтепа тумани | "Г-9" мавзеси, Фарҳод кўчаси ер ости йўлаги олдидаги майдонда; |
| Бектемир тумани | "Триумвират қурилиш" МЧЖга қарашли "Қўйлиқ савдо мажмуаси"да; |
| Мирobод тумани | Ўзбекистон кўчаси, 17, "Тошкент универмаги"да; |
| Мирзо Улуғбек тумани | Буюк Ипак йўли кўчаси, 59-уй; Буюк Ипак йўли кўчаси, 105-уй; |
| Олмазор тумани | Талаба кўчаси, 65-уй, "Акмал Зиё" ХК дўкони олдида; |
| Сергели тумани | Сергели-6, Янги Сергели кўчаси; |
| Чилонзор тумани | Чилонзор кўчаси, 55-уй, "Чилонзор савдо маркази" олдида; |
| Ҳамза тумани | Зобитлар маданият саройи (Авиасозлар) олдидаги майдонда; |
| Шайхонтоҳур тумани | Тошкент савдо маркази дўкони олдида; |
| Юнусобод тумани | Амир Темур шоҳ кўчаси ва Аҳмад Дониш кўчаси кесишувида ("Юнусобод" супермаркет дўкони олдида); |
| Яккасарой тумани | Шоҳжаҳон кўчаси автотўхташ жойи олдида ("Аския деҳқон бозори"нинг кириш қисмида). |

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув қуроллари, қўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар савдоси ташкил этилади.



*Ёғоч ўймакорлигининг нодир дурдоналари*

Аскар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

# КОРХОНАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

**_Сергели туманидаги «UzTeks TASHKENT» қўшма корхонасида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маънавий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди._**

Сергели туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда «UzTeks TASHKENT» қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, истеъдодли ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Жаннат Исмоилова, «UzTeks TASHKENT» қўшма корхонаси раҳбари Равшан Юлдашев ва бошқалар Истиқлол йилларида турли жабҳаларда эришилган ютуқлар, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритишди.

Шоира Озода Бекмуродова ва Умида Каримовалар Ватанни эъзозлаш ҳамдаараннум этиш, ота-онага чексиз ҳурмат-эҳтиром мавзусидаги шеърлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Тадбир сўнгида «Ниҳол» мукофоти совриндори Отабек Муталхўжаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Жасурбек Раҳимовлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан даврага ўзгача файз киритишди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2014 йил 2 сентябрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Учтепа туман СИБ томонидан 2011 йил 3 февраль кунги ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1966 йилда и/ч дав. бел. 10 W 2103 бўлган «Газ 21 Р» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 222 701 сўм. 2. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 226 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 213 327 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 169 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 447 014 сўм. 4. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 179 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 181 338 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 167 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 794 610 сўм. 6. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 176 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 794 610 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 217 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 632 167 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 173 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 695 996 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 224 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 794 611 сўм. 10. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 178 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 669 747 сўм. 11. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 AQ 077 бўлган «Лада 21074-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 793 611 сўм. 12. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 157 бўлган «Хафей» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 170 441 сўм. 13. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BG 158 бўлган «Хафей» русумли автотранспорт воситаси бошланғич нархи 16 155 342 сўм. 14. 2002 йилда и/ч дав. бел. 10 AP 651 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 23 913 045 сўм. 15. 1998 йилда и/ч дав. бел. 10 TH 480 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 310 647 сўм. 16. 2002 йилда и/ч дав. бел. 10 AY 260 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 086 345 сўм. 17. 2000 йилда и/ч дав. бел. 10 AY 259 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 823 954 сўм. 18. 2002 йилда и/ч дав. бел. 01 428 DAA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 997 184 сўм. 19. 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 AY 353 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 876 352 сўм. 20. 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 AY 356 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 052 741 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 BF 236 бўлган «Бейки фотон шидай» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 40 511 200 сўм. II. Чилонзор туман СИБ томонидан 2013 йил 1 ноябрь кунги 2-153/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 K 070 AA бўлган «Mersedes-Benz» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 875 000 сўм. III. Олмазор туман СИБ томонидан 2013 йил 13 май кунги 15356-82-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 936 CBA бўлган «ISUZU SAZ NQR71PL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 017 180 сўм. 2. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 080 WBA бўлган «ISUZU SAZ NQR71PL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 63 097 650 сўм. 3. 2007 йилда и/ч дав. бел. 10 BC 983 бўлган «Газ-2705-14» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 29 136 690 сўм. 4. 2012 йил 12 июнь кунги 19628/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1979 йилда и/ч дав. бел. 30 E 5742 бўлган «Ваз 2103» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 1 921 777,13 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **16 август** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 август** куни Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

